

# ХУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛ  
ГАЗЕТА

Чоршанба кунлари чиқади

1999 йил 10 - 16 ноябрь

45 (147)-сон

## КИМНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛАДИ?

### САЙЛОВ

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинди. Шу боис шилар жараёнининг муҳим босқичи - сайловда ташвиқот ишлари тобора жадаллашмоқда. Бу жараёнда номзодлар ҳуқуқи, уларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тенглик асосида амалга оширилиши тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларда қафолатланган. Депутатликка даъвогар журналистларнинг сайлов ниятига вазиасидан четлатилиши тўғрисидаги янги қонун ҳам айна шу тенглик ҳуқуқига пўтур етмаслиги қаратилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай бу гапга сайловда депутатлик мандати учун курашга шайланган номзодлар ичида журналистлар салмоқли ўрин эгаллаган: номзоди рўйхатга олинган ҳамкасбларимиз нақ 66 (олтимиш олти!) нафарни ташкил этади! Мавжуд сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, ҳатто сайловчилар ташаббускор гуруҳлар томонидан депутатликка номзод этиб кўрсатилган журналистлар орасида дурусгина лавозимда фаолият кўрсатаётган қалам соҳибидан оддий муҳбиргача, депутатлик мазасини тотиб улгурганидан тортиб аввалги сайловдаги мағлубиятидан жиғибийрон бўлган журналистгача, турли идораларнинг матбуот хизматида бошчилик қилаётганидан то "таваққал!" дея майдонга тушган ёш қаламкашгача бор. Агар мохиятан олиб қаралганда (гарчи чўнтагидан ажабтовур имтиёзлар йиғиндисини тасдиқловчи депутатлик паттаси бўлмаса-да!) журналистик касбининг депутатлик масъулиятидан кам жойи йўқ; фаолларнинг интиқлиги, ижтимоий вазиятнинг нечоғлига қарамай журналистлар эски папкани қўлтиққа қисганча мудом йўлда, мудом фуқаро дардига шерик, мудом элга бақамти...

Шу боис ҳам муболағасиз айтиш керакки, журналист элнинг дастури, бунинг эвазига у қўшимча имтиёз ёхуд маош талаб қилмайди ҳам! Олган маоши ун ямоқ рўзгорининг бир ямоғига эур-базур етса-да, нолимайди, шўр қилиб яшайверади. Бас, шундай экан, депутатликка даъвогарлар орасида ахли қалам сони бирмунча кўпроқ бўлса бу ҳол - журналистларнинг ижтимоий фаолияти ошганидан, ҳуқуқий онги қисқа фурсат ичида шаклланиб улгурганидан далолатдир.

- Биз, "Хуррият"чилар учун яна бир қувончли томони шундаки, бевосита мусасисимиз бўлган Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида фаол фаолият кўрсатаётган биродарларимиздан тўрт нафарни ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.
1. **Досмухамедов Хуршид Набиевич** (Хуршид Дўстмухаммад) - Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раисининг, "Хуррият" газетасининг Бош муҳаррири (72-Фориш сайлов округи, Жиззах вилояти).
  2. **Алимов Аббос Аҳмедович** - Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бош директори (177-Қайнар сайлов округи, Фарғона вилояти).
  3. **Мансуров Зиёвуддин** - Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси (95-Унхат сайлов округи, Наманган вилояти).
  4. **Ғозиев Норбўта Норкулович** - Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси - Қашқадарё вилоят бўлими раиси (231-Қўдала сайлов округи, Қашқадарё вилояти).

Шунингдек, номзодлар орасида "Хуррият" газетаси тахир хайбатининг икки нафар аъзоси ҳам бор:

1. **Зиё Азамат Хамид ўғли (Азамат Зиё)** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот қотиби (34-Ангор сайлов округи, Сурхондарё вилояти).
2. **Каримов Наим Фотиҳович** - Навоий номидаги тил ва адабиёт институти бўлим мудири, "Катагон қурбонлари" жамғармаси раиси (82-Поп сайлов округи, Наманган вилояти).

Турган гапки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатдан ўтиш - депутатлик мандати тайёр, дегани эмас. Номзод кўрсатилган ҳамкасбларимизнинг муқобиллари Ўзбекистон номзод ҳокимларнинг рақибларидан фарқи ўлароқ, битта ёки иккитига ҳам эмас: қамда тўрт ёки беш нафар. Муқобиллари, ё ҳоким ёхуд катта-катта идора, ташкилот раҳбарлари! Ҳатто битта сайлов округидан икки нафар ҳамкасбимиз парламентдан ўрин эгаллаш учун беллашишга ҳам тўғри келиб турибди. Барча номзодлар ҳам - депутат бўлишга лойиқ. Демак, кураш анча мураккаб, шиддатли кечади. Ана шундай курашда

### ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАРИНГ!

**Машҳур футболчимиз Биродар Абдураимов соҳиб Иттифоқ терма жамоаси билан Бразилияга борганини эслаб, бразилиялик футболчиларнинг юксак озуларидан бири мамлакат терма жамоаси кийимини кийиш эканлиги ҳақида менга айтганда, футболчилар Бразилия терма жамоаси кийимини майдонга тушиш учун жону жаҳонини беришга ҳам тайёр. Чунки бу кийим Бразилияники. Унда жондан азиз, муқаддас мамлакатларининг номи бор...**

Бугун Ўзбекистондаги деярли барча футбол жамоалари хорижда тайёрланган футбол кийимларида майдонга тушадилар. Боз устига уларники. Айримлар "Шунга ҳам ота тўри қозонганим", - дейишлари мумкин. Ҳа, ота тўри қозонган. Футбол миладиликлар уяни. Унинг муқаддаслиги ҳам бир неча миллион. Ана шу бир неча миллион-

ларнинг аксарияти ёшлар, фарзандларимиз - бизнинг келажакимиз. Болалар катталарга тақдир қилдилар. Улар спортчи ака-опалари эғниларидидаги чиройли, сифатли спорт кийимларига суқланиб қарашади. Ва, албатта, ўларидан ҳам ана шундай кийимларнинг бўлишини хошлашади. Улар ҳали ўз мамлакатлари кийимларини кийишни, ундан фарқлиниш нима эканлигини англамайдилар. Чунки бизда сифати бежиримлиги билан ўзига тортидиган спорт кийимлари ишлаб чиқарилмади. Борлари ҳам денгиздан томи.

Фараз қилинг, зафар қуч-



Донани ўзбек сурсин!..

### "МИСС-99"

... Кейинги ўн-ўн беш кунни пойтахт аҳлининг бир қисми, галати интиқлиқда кўзга кўринадиган ёки қўядан ёниқ хибобдан юрмган - пешонагини "так" этиб реклама-плакатга уриб олардингиз: нима эмиш, "Мисс Ўзбекистон - 99" гўзаллар танлови бўларкан. Бу ёқда телевидение кунига бу маросимга қорлаб, танловда ҳали эрга тегмаган, ёши 18 дан 25 ёшгача хуриликлар иштирок этишини оламшумул мўжда янглиг тасдиқлаб турибди.

Бунинг устига, миш-мишларга қараганда, чипта баҳорини 7 минг сўмга етибди (журналистнинг бир ойлик маоши!).

Хуллас, ваъда этилганидан икки кун кечикиб бўлса-да, ҳар нечук, танлов улкан аъсао дабдабала билан нақ "Интерконтинентал" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Афтидан, яхшигина психолог бўлган мазкур маросим хомийлари ва ташкилотчилари ОАВ вакилларига тақлифнома, яъни текин чипта тарқатишни боғлабганлар шеклини, деярли барча марказий газеталари "Ўзбекистон Гўзал-99" танловини қаламдан бол тўкилиб ёзилган катта-катта мақола-мадҳиялар босиб кетди. Хай-хай, уларни ўқисангиз борми: "Ҳомийларга тасанно!", "...хусочар тунги кўйлақлар!", "...дастурларни ажойиб бир тарзда олиб борган директорлар!" ва ҳоказо ва ҳоказо.

Албатта, тарқатиш арава-си хаммиша ўзи қурбонлик келтирган жонлар суқлари кисирилатиб босиб ўтди. Биз ҳам умумий, офаринбозликдан чекиниб, мажкур тадбирга ўз хусусий муносабатимизни билдиришга уриндиканмиш, асло ва асло ўшлар арава гилдирига таёқ суқал эмасмиш. Билмак, биз фақат "Фарангистонда қурбақа тансиқ таом қисобланаркан" дея ҳовузда бақа семиртириш бошлаган тақдирда сарройи ҳолига тушиб қолиш эҳтимолдан сўз очмоқчийдик...

Ҳа, улўғ Достоевский минг

## ЭРГА ТЕГМАГАНМИСАН, ГЎВАЯР..

бор ҳақ: дунёни гўзаллик кўтаради. Аммо гўзалликнинг ўзини фақат инсониятгина кўтара олади. Бирок гўзаллик тушунчасининг ўзи нима? Ҳўп, социализм-ку, "гўзаллик - ишлаш, манглини терлаш" деб ҳисобласа, нима, бозор иқтисоди ҳўкрон жамият учун гўзаллик қиз бо-

ўзини кўз-кўз қилишга муҳтож бўлмаган, ўзида маънавий фазилатларни намоен этган гўзалликни афзал кўраман".

... Мухбир акаларимиздан бири: "Қизлар чўмилиш кийимларида чиқмадилар", деб ёздади ажиб бир қоникши би-

хирмонга олиб борадилар. Балки қорайиб кетган, дағаллашган, тарс-тарс ёрилган бармоқлар соҳибалари бундай танловларда икки дунёда иштирок этолмас. Аммо аъсаоли меҳмонхонанинг Амир Темури қўшонасида (!) "бир томиқ сув билан ютса бўладиган" хуриликларни лабини ялаб томоша қилиб ўтирган журналистларнинг далага боришлари, ҳеч қанақа "Мисс пахта-махта"лар танловларини қилиб ўтирмасдан, уларнинг муаммоларини ёритишлари шўнчалик қийинми?

"Соҳибжамоллар танлови" учун ярим саҳифа жой ажратган газета мушфиқа ўзбек қизи, бугун мажбуран пахта тератган ўқувчи-талаба учун ўн сатр жой ажратолмайди? Ҳаммом борми "шарҳчи" қизларимизга? Чанок тилдан қулига суртиш учун олдинга ё-чи? Хар қалай аёллар йилда яшаймиш... Е далага бориш учун ҳам катта-катта хорижий ташкилотларнинг тақлифномалари керакми?..

Тан олайлик, хўшбичимлик пулга сотиладиган, кўз-кўз қилинадиган замонда юқоридики сингари танловлар бариб бўлаверди. Аммо ушбу тор дорада ўтадиган қикинагина маъшиқ тadbирни умумийлиги байрам сифатида эл-юрта дастурхон қилиб тортиш, энг қиммат, бизда инсоф туйғуси йўқолиб бораётганлиги нишонасидир. Ва бу белги беихтиёр киши қўлига хавотир туйғусини қўлиб қиради. Ёниқким, биз, журналистлар, осон ва арзон йўлдан бормаймишми?.. Эл сўйиб эмас, қўйиб, ҳаттоки андакчина ноҳўшлик билан қарайдиган ҳўп тadbирларни оламга дoston қилмаёмишми?..



ланинг 60 сантиметрдан ошмаган белини, силлиқ қоматини? Қани орадаги тафсурут? Наҳот коммунистик мафкура билан капиталистик муносабат айнан гўзаллик масаласида бир-бирини тақорласа, яъни умуминсоний қадриятлардан осмон қадар чекинса?..

Ваҳоланки, дейлик, Сервантесдай соддадил мутафаккир бундан неча юз йиллар муқаддам таъриф бериб қўймаганимиз бу тушунчага: "Қамтарлик билан йўрилган гўзалликни гўзаллик ата-лишга ҳақли. Қамтарлиги бўлмаган гўзаллик - гўзаллик эмас, шўнчаки хўшбичимликдир".

Эҳтимол, бу сизга оворулоқ кишининг фикрлаши бўлиб туюлгандир. Энди, маъраҳамат. Тағорини эсланг: Мен

лан. Сабр қилинг, акажон, шу кетиш бўлса, кейинги сафар қизлар нўмилиш кийимида ҳам чиқишди, сўнгрққ эсд Момо Хаво либосида ҳам. Ахир бозор ўз номи билан бозор-да, талабага яраша тақдир Сизу биз бундай тadbирларни оғзимидан бол томи мактаб турсак бас...

Хўлбуки, худди шу кунларни жиъзахлик, хоразмлик, сурхондарелик... минг-миг-лаб талаба ва ўқувчи синглиларимиз тонг қоронғусидан далага чиқиб, қўз совуғига қарамай, нозик бармоқларига "ўх-ўх"лаб пахта терадилар. Балки 60 сантиметлик бел соҳибаси 30 кило пахта солинган этакни қоролмас, аммо бу синглиларимиз, қизларимиз наинки 30, ҳатто 40 кило пахтани ҳам даст кўтариб икки чакирим наридаги

ган турли халқаро турнирларни кўзатаркансиз, Италия, Германия, Бразилия, Англия терма жамоаларининг кийимларига қараб ҳам қайси терма жамоа эканлигини фарқлай оласиз. Истагимиз, юртимиз спортчилари майдонга чиққанларида барча муқдаслар "Ўзбеклар", "Ўзбекистонликлар", "Ўзбекистон терма жамоаси" дея дарҳол ажрата олинсинлар. Чўнки, спортчиларимизнинг шижоалари, мардона олишувлари жохон муқдасларини лол қилдиришда. Демак, спорт кийимларини ҳам ана шу шижоаларга лойиқ бўлсин.

Спорт тўплари, понафзаллари /крассоевка, бутси/ тўғрисида ҳам ана шу фикрларини айтиш мумкин. Бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш учун ҳеч қандай қийинчилик, муаммо бўлмайди. Фақат истақ, хоҳиш бўлса бўлгани...

Мўхаммаджон АХМЕДОВ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ташкил топганлигига роса 3 йил тўлди! Бу давр мобайнида жамғарма ўз олдига қўйган вазифаларни имконият доирасида амалга ошириб келмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, жамғармада фаолият кўрсатаётган барча ходимларни бу муборак айём билан табриқлаймиз!

## ПЎЛАТ ГАДОВЕВ НЕГА ҚАМАЛДИ?

1998 йил 4 феврал кунни таниқли журналист, "Халқ сўзи" газетасининг Қашқадарё вилоят муҳбири Пўлат Гадовев ҳибсга олинди. Бу хабар матбуотчилар ва жамоатчилик орасида яшиндек тарқади

### ТАФТИШ

Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур

Адам СМИТ

Нима гап? Бу қандай ҳодиса? Журналист қайси гуноҳ ишга қўл урдию, бундай жазага лойиқ қўрилди?

Журналист ҳам фуқаро, у ҳам жамиятнинг бир аъзоси сифатида иттифоққа у ёки бу хатога йўл қўйиши мумкин. Бирок бу ўринда қаҳрамонимизнинг бевосита касбий фаолияти билан боғлиқ хатти-ҳаракати хусусида сўз бормоқда.

Пўлат Гадовевнинг касбий фаолиятини батафсил баён этишнинг ҳождати йўқ; у киши қарийиб қирқ йилдан бери матбуотнинг нонини еб келгипти, тан олиш керакки, ёшига қараганда анчагина гайратли, тажрибали энг муҳими журълати ишдоқор сифатида ўзининг устида ишлайдиган тоифадаги қалам ахли сирасига мансуб. П.Гадовев бошига тушган савдонинг бир чеккаси ана шу ижобий хусусиятларга бориб тақалади, десак ишонаверин! Бу фикримизни исботлаш учун умуман сўнги йиллар ўзбек журналистикасида юз бераётган янгилашни жараёنлари хусусида икки оғиз тўхталишга мажбурмиш.

Мен ёш ёки қалам ҳақининг озлигини назарда тутаятгани йўқ, икки ёки ўч тахририят оралигида бўзчининг моқисидек зир югуриб тоған иш ҳақини жалмаган тақдирда ҳам рўзгорини тебратиб мушқулликни ҳам айтмоқ-қийинчиликларга чидаш нима?

Мен маош ёки қалам ҳақининг озлигини назарда тутаятгани йўқ, икки ёки ўч тахририят оралигида бўзчининг моқисидек зир югуриб тоған иш ҳақини жалмаган тақдирда ҳам рўзгорини тебратиб мушқулликни ҳам айтмоқ-қийинчиликларга чидаш нима?



## ЦУМ ДАВЛАТНИКИ ЭДИ, АКЦИЯДОРЛАРИНИКИ БЎЛДИ, КЕЙИН ЭСА...

### ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ЦУМ деган жойни эшитмаган одам бўлмаса керак. Ўзбекистонга узайтирмаси Марказий Универсал Мағзин дегилди, деярли ҳар бир шаҳарда бор. Ва бундай мағзин кичик савдо шохбачаси ҳисобланмайди. Табиийки, бундай жойнинг раҳбарлиги ҳам "кичкина" одам ўтирмайди: ё "белги бакуват", ёки... энди бугеи маълум.

Самарқанд шаҳрида ана шундай азамат савдо дўкони бор.

1991 йилнинг бошларида Самарқанд Марказий универсалга катта ўзгариш рўй берди. Дўкон жамоаси янгича иш шаклига ўтиб ишлаб бошлади. У "Фарҳод ва Ширин" савдо ишлаб чиқариш пайчилик жамиятига айлантирилди. Тасвир шартномасига қўра, жами 15 миллион сўмлик, бунинг 13 миллионига Самарқанд вилоят Савдо бозорлари, 2 миллионига эса қорхона жамоаси эғалиқ қилиши керак бўлган акциялар чиқарилишига келишиб олинди. Хуллас, акцияларнинг катта улуши давлатга (Савдо бозорларига) тегишли бўлган акциядорлик жамияти вужудга келди. Шунинг учун ҳам Савдо бозорлари раҳбарлиги жамият бозорлари аъзолигига айланган. Бозорлар раислигига эса, дўкон директори Рафик Азимов маъқул қўрилди.

Аммо ўттиш даврининг айрим қийинчиликларига қўра, ҳар бири 1000 сўмлик бўлган 7002 дона акция чиқарилади ва дўкон жамоаси ўртасида



## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИНИ ЎПИШАДИ-Ю...

Америка байроғи акс этган сочиқни юзларига суртишди

ларнинг аксарияти ёшлар, фарзандларимиз — бизнинг келажакимиз. Болалар катталарга тақдир қилдилар. Улар спортчи ака-опалари эғниларидидаги чиройли, сифатли спорт кийимларига суқланиб қарашади. Ва, албатта, ўларидан ҳам ана шундай кийимларнинг бўлишини хошлашади. Улар ҳали ўз мамлакатлари кийимларини кийишни, ундан фарқлиниш нима эканлигини англамайдилар. Чунки бизда сифати бежиримлиги билан ўзига тортидиган спорт кийимлари ишлаб чиқарилмади. Борлари ҳам денгиздан томи.

Фараз қилинг, зафар қуч-

ган спортчимиз шарафига мадҳиямиш янграб, байроғимизни кўтаришмоқда. Хорижлик спорт муҳлисари тик турган ҳолда, мадҳиямизни тинглаб, байроғимизга, спортчимизга тиклиб қудратли Ўзбекистон спортчиларига тан беришиб чапак чалмоқдалар.

Мамлакатимиз спортчилари бугунги кунда қишки ва ёғзи олимпиада ўйинларида, Европа ва жаҳон чемпионатларида ва бошқа халқаро ўйинларида мардонавор иштирок этмоқдалар.

Лекин афсуски, ана шу спортчиларимиз эғниларидидаги кийим хорижники. Бу кийимларида "Ўзбекистон" деган

ёзув, давлатимиз герби акс эттирилмаган ҳам.

Биз, албатта, ўзбекистонлик спортчиларини хориж спорт кийимларидан /мусобака ва мусобақадан ташқари/ пайларда ҳам/ фойдаланишгани учун қораламоқчи эмасмиш. Зеро уларнинг кийимлари тўғрисида бошқалар қайғурдилар.

Хўш, нима қилишимиз керак?

Ўзбекистондаги бирон-бир тикунчилик фабрикасини фақат спорт кийимлари тайёрлайдиган қорхонага мослаштириш даркор. Бу қорхона тайёрлайдиган спорт кийимлари сифатлиги, чиройли-

лиги билан "Алдас", "Пума", "Адмирал", "Найке" маҳсулотлари даражасида бўлишига эришишимиз лозим. Шунда бизда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам дунё буйича харидоригр бўлади. Энг муҳими, болаларимизда ешликларида Америка ёки бошқа мамлакатларини байроғи акс эттирилган кийимларга эмас, ўз мамлакатларидида тайёрланган спорт кийимлари билан фарқлиниш, гурурланиш ҳиссини ҳам тарбиялаймиз. Қолаверса, жимсоний тарбия дарслари учун спорт кийимлари муаммосида ҳам барҳам берилган бўлади.

Футбол буйича ўтказилаёт-

ган турли халқаро турнирларни кўзатаркансиз, Италия, Германия, Бразилия, Англия терма жамоаларининг кийимларига қараб ҳам қайси терма жамоа эканлигини фарқлай оласиз. Истагимиз, юртимиз спортчилари майдонга чиққанларида барча муқдаслар "Ўзбеклар", "Ўзбекистонликлар", "Ўзбекистон терма жамоаси" дея дарҳол ажрата олинсинлар. Чўнки, спортчиларимизнинг шижоалари, мардона олишувлари жохон муқдасларини лол қилдиришда. Демак, спорт кийимларини ҳам ана шу шижоаларга лойиқ бўлсин.

Спорт тўплари, понафзаллари /крассоевка, бутси/ тўғрисида ҳам ана шу фикрларини айтиш мумкин. Бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш учун ҳеч қандай қийинчилик, муаммо бўлмайди. Фақат истақ, хоҳиш бўлса бўлгани...

Мўхаммаджон АХМЕДОВ

Боши 1-бетда

чи эмасман. Мен давр талабларига ижодий нуқтаи назардан тинимсиз маҳорати ошириб бориш зарурияти мавжудлигини айтмоқчиман.

Конунлар қабул қилинди. Президент биз матбуотчиларни ҳаёт жараёнида фаол аралашши, ҳатто назоратчилик вазифасини адо этиш бурчимиз эканлигини доимо ёдимизга солимоқда. Бундай талаблар ёшдириксадир, журналистдан буткул ангиланишни такозо этмоқда.

1998 йилнинг февралигача бўлган Пўлат Гадовнинг ижоди профессоронал нуқтаи назардан ўтказилар экан, кекса журналист кўп йиллик тажрибаларининг махсули улароқ янгидан гайрат камарини боғлагани ақвол кўринади. У киши янги давр талаблари асосида ишлаш йўлини танақли! Каранг: Қашқадарё вилоятида бундан етти йил муқаддам СССР Прокуратурасининг 70 йиллиги роса тантана қилинди. Гарчи мустақилликнинг дастлабки йили эса-да, мутассадди ақволлар бу қабилдаги дабдаба ғирт сиёсий сўқирлик эканини билишлари керак эди. Йўқ, юбилей ўтказилди, журналист эса "СССР тугади, юбилейлар қолдимиз?" сарлавхали танқидий мақола ёзди. Масалга қутилмаганда янгича талаблардан келиб чиқиб қараш ва танқид ёзиш осон иш эмас. Бу ҳол журналистдан катта тажриба ва малака баробарида жасорат ҳам талаб этади.

Бундай тажриба, малака ва жасорат Пўлат Гадовга топилди! Тўғри қилди. Қашқадарёда отчилик заводи бор. Бунднинг номиди... Пўлат ака "Бунднинг Қашқадарёдан кетди..." деб мақола битди. Боплади! Ушанга даврда дағдағасидан от ҳурқийдиган маҳаллий прокурорлардан бири "Ху, миллатчи!" деб Гадовни сўқиди. Гадов "Бунднинг нечта?" деб яна мақола эълон қилди. Журналист Бунднинг номи ўчирилган бўлса-да, айрим ҳамоирларимизнинг онгида бунднинг қайфиятлар сақланиб қолаётганидан қайғуриб ёзди. Уларнинг исми-шарифи Каттабой, Қўшқобой бўлгани билан дили Бунднингдан покланмагани... журналистнинг дарди сифатида матбуот юзига чиқди.

"Суд ҳукми - асосий мезон" мақола-си ҳам Пўлат Гадовнинг кўп йиллик тажрибасида буткул замонавий янгилаш жараёнлари кечаётганидан далолат берди. Бу борада "Тирилган

Боши 1-бетда

Дарҳақиқат, охириги фикрда ҳан борада эди. Сабабики, номи савдо ишлаб чиқариш пайчиллик жамияти бўлган улкан корхона ишлаб чиқариш у ёқда турсин, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг савдоси билан ҳам деярли шуғулланмади кўйди. Товар ишлаб чиқарувчилар билан савдо шартномалари тузиш қамалиб кетди. Савдо заллари бўшаб қолди. Бугунга келиб, катта савдо зали биринчи қаватнинг аксар қисми ижарага бериб юборилган. Қолган қисми комиссия савдо билан шуғулланмоқда. Натигада, жамоада бошқарув раисига нисбатан норозилик қайфияти пайдо бўлди. Айрим-айрим Рафик Азимов жамиятнинг бошқарув раислигига нолайик, деган фикрини ҳам айта бошлади, ани шундай сўнг, турли гап-сўзларнинг гуджон уйнашига сабаб бўлди...

Рафик Азимовнинг раисликка нолайиклиги устида айтаётган айбонларнинг биринчиси — у акциядорлар ҳуқуқини оёқости қилиб келган. Акциядорларнинг розилигисиз, уларнинг хабардорлигисиз, ўзбошимчилик билан иш олиб борган ва бу жамият фаолиятига салбий таъсир қўрсатган. Бу гапларнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини билмадигу, бироқ масала билан алоқадор айрим ҳолатларни тилга олиб ўтишни жоиз деб билдик.

1996 йили март ойида "Фарход ва Ширин" акциядорлик жамияти томонидан қурилган супермаркетнинг биринчи қавати сотилади. Бу ҳусуда 4 март куни ўтказилган акциядорлар умумий мажлисининг 25-сонли баённомаси ҳам мавжуд. Махлис натижасига кўра, супермаркетнинг биринчи қавати иқтисодий аҳолини яхшилаш ва қарзларни қоплаш мақсадида турт ярим миллион сўмга сотилишига қилиниб олинди. Аммо мазкур мажлис баённомасининг ёзилишида қатор ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилганки, бу Азимовга қарши бўлаётган томоннинг "ҳеч қанақа мажлис ўтказилмаган, мажлис баёни қалбаки", деган даъвосига асос бўлмоқда. Чунки, биринчидан, бу мажлисда беш юзта акциядордан 138 таси қатнашган, деб қўрсатилган. Иккинчидан, овоз беришда муҳим бўлган акциялар миқдори қўрсатилмаган (овоз беришда акциялар сони ҳисобга олинади ва ҳар бир акция битта овоз ҳуқуқига эга). Ҳатто, мажлис баённида бошқарув раисидан бошқанинг имзоси ҳам йўқ, мажлисга қатнашган қилган Баласаняннинг ўрнига ҳам ўзга киши имзо чеқан.

1997 йили "Фарход ва Ширин" акциядорлик жамияти тугатилади. Тўғрироғи, масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этилади. Даъвогарлар бундан Азимовнинг ўз қирқдорларини ёпиш учун қилган навобатдаги найранги, деб ба-

ҳоласалар-да, бизнингча, бу иш қонунан тўғри бажарилгандек. Сабабики, "Фарход ва Ширин" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 7-моддаси талабига асосан, у масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этилади. Бу моддага кўра, ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти акциядорларнинг сони элликтдан ортиб кетса, бир йил давомида у очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилиши, агар ушбу муддат ичида акциядорлар сони қамалимаса, суд йўли билан тугатилиши лозим бўлади. "Фарход ва Ширин" акциядорлик жамияти эса акциядорлар сони беш юзтадан ортиб кетган. Шунга кўра, Темирйўл тумани ҳокими Х.Бобойровнинг 1997 йил 14 июль 223-қ-сонли қарори билан акциядорлик жамияти — "МУМ"

# ШУНДА ДАВЛАТНИКИ ЭДИ, АКЦИЯДОРЛАРНИКИ БЎЛДИ, КЕЙИН ЭСА...

МЧЖ, яъни, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Бироқ — "МУМ" МЧЖнинг низоми жамғармаси бир қарашдаёқ кишини ажаблантиради: масъулияти чекланган жамиятнинг низоми жамғармаси 599 000 (беш юз тўқсон тўққиз минг) сўм қилиб белгиланди. Ҳаттода ажабланили ҳол. Ахир бир неча қаватли, улкан савдо биноси, катта оморлар, транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотнинг низоми жамғармаси (яъни баҳоси) 599.000 сўм эмас, балки бундан бир неча ўн баравар, балки-да бир неча юз баравар кўп бўлиши керакмасмиди? МЧЖ ташкил этилаётган пайдага акциядорлик жамиятидан мерос қолган, баъзиларида барча мол-мулк ҳисобланган, сўнгга низоми жамғармаси белгиланиши лозим эмасмиди? Низоми жамғармаси қилиб белгиланган 599.000 сўмга эса, битта машина ҳам бермаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Боз устига, "Фарход ва Ширин" акциядорлар жамиятининг 500 акциядордан 138 нафарини "МУМ" масъулияти чекланган жамият таъсисчилари рўйхатига кирди. Айрим гап-сўзлардан сўнг эса, бу рўйхатга ана 17 кишининг исми-шарифи пайдо бўлди. Таъсисчилар рўйхатига қирмаган бошқа собиқ акциядорлар билан

одам" мақоласи чинакам шов-шувга сабаб бўлди. Қуруқ шов-шув эмас, уни ўқиган киши борки, вийдони, қалби ларзага тушди.

1997 йил 12 март куни "Халқ сўзи" да эълон қилинган мазкур мақолани унуттиш қийин: Шахрисабзда дарёдан топишган мурдан Россияга тижорат мақсадларида жўнаб кетган А.Саидмуродов гумон қилиниб, унинг хотини ва икки жиянини минг бир қийноқлар билан қотилликка иқдор қилган жиноят қидирув бўлими ходимлари, прокурору терговчилар, судмедэкспертиза ходимларининг қирқдорлари бу соҳада йўл қўйилаётган айрим аниқли ва шармандали иллатларни фош қилиб ташлади.

Юртбошимиз журналистнинг ҳаётга аралашуви ва назоратчилик вазифасининг ортиси деганда матбуотнинг худди шу каби фош қилувчи бурчини назарда тутганига шубҳа йўқ. Демак, Пўлат Гадовнинг ҳам инсон сифатидаги, ҳам ижодкор сифатидаги жасоратидан қувонишимиз, унинг фаолиятини ёш журналистлар учун намуна ўрнида омаллаштиришимиз лозим эди. Афсуски, у киши қамалиб қолди...

Қандай қасофат юз берди? Яна журналистик қасбнинг ўзига хос инжиқлиги, феълӣ ҳусусида андек тўхталишга тўғри келади.

Гап шундаки, даврнинг қон томири орқали юрак тегишини пухтакли билан илғаб олган журналистни илҳом тарқ этмади. У чарчаси унутди, қутилмаган ва ҳеч ким эътибор қилмаётган мазсуларни топади, ёзади, фош қилади, ўзини ўтга-чўққа уради.

Пўлат ақининг навбатдаги топилди-га Косон ёғ-экстракция қорхонасига "насиб" этди. Келиб тушган шикоятга асосан у киши ўзининг журналистик назарини қорхона фаолиятига тикди.

Чиндан ҳам қорхонанинг ишлари бирмунча орқага кетган, шу боисдан шеклиги қорхона аввал туман, сўнгга вилоят прокуратураси томонидан

эса тегишли тартибда ҳисоб-китоб қилинмаган. Бу ҳақда жамият бошқаруви раиси Р.Азимовдан сўраганимизда, "уларнинг акциялари ўз қўллариде, бошқалариники эса сейфимизда турибди", қабилдаги қуруқ жавобни олдик, ҳоло. Ва раис бу иш билан алоқадор бирортая ҳужжат қўрсатишни лозим топмади. Шунга кўра, акциядорлик жамияти қайта ташкил этилган пайда таъсисчилар рўйхатидан тушиб қолган акциядорларнинг акциялари жамият томонидан қайтариб олинган-олинмагани ҳусусида аниқ қонуний жавоб ололмадик. Азимовнинг ишларидан норози бўлаётган даъвогарлар эса, ҳеч

нақ 12 марта тит-пит қилинди. Камчилик эса... топилмади.

Ёғ заводи ёғли бўлади-да, деган гапларга ҳам қалғимайлик, қайсидир текширувчилар шаънига ноўрин таъналарни ҳам ёғдирмайлик-да, Америка адаби Теодор Драйзернинг "Стоик" романи воқеаларини эслайлик. Унинг қаҳрамони — ўтакетган гайратли тадбиркор — на полициячилардан, на маҳаллий тўралардан, на солиқчилардан чўқийди, чунки у истаган кун бундай қалондимоларни сотиб олишга қурб етди. У фақат матбуотдан чўқийди! Ўзи сариқ қақага муҳтож бу муҳбир халқи сотилмади, сотилмайдиган одам бало-қазони бошлаб келади!

Косонда айни шундай вазият этилди, яъни, 12 қарра текширувда "топилмаган" нуқсонлари Пўлат Гадов топ бошлади, ҳатто мақолани битириб, тахриратга жўнатиб ҳам улгурди.

Гадовнинг теварагида катта-катта бойвачалар тиланчилик гирдиқалак бўла бошлади, йўқ, улар учун пулдавлат эмас, улар ўша қурмағур мақолага гадо эдилар! "Озгингга сиққанини ол-у, мақолани буюкча чўқ!" Гадов эзига сиққанини айтмади, мақолани чўзмади. "Қинғирликни ким жоловлайди?" деб номланган мақола ана чикади-мана чикади, бўлиб турган қунларда энди муаллифга ёғ заводдагилар қолиб, қорхонани тафтиш қилган прокуратура вакиллари танда қўйди. Табиий, бу қабилдаги "визит" лар самара бермади ва... Пўлат Гадов юрак йўлларига ёғ қўйилди, тойғонқоқ қилинаётганини сезмади. Мен, "Ахир, шунча гавоғлардан кейин ҳам сиқга ёмон ниятлар билан чўқ қазибётганлар бўлиши мумкинлигини ўйламадингизми?" деб сўрдим. Пўлат ака уй суриб қолди, сўнг, "Ўйламадим, ўзимнинг ҳақлигимга ишондим" деди, хомуш тортиб.

Ўзининг ҳақлигига ишонган журналист 1998 йилнинг 4 февралдаги пора олиш айби билан қамоққа олинди...

Ана, ҳоло, бугеги неча пулдан тушди?... 150000 сўм пул, битта қўй, бир қутӣ ароқ 40 йиллик тоат-ибодатни бир пул қилди!

ники 2568 сўм (охиридан 8 рақами ўчирилган), Азимов Фурқатники 4892 сўм (охиридан 0 ўчирилган) ва Азимов Рафикники 54438 сўм (бошидаги 8 рақами 5 қилиб ўзгартирилган). Бунга балки қисим Азимовнинг ўзлари изохлаб берар. Бироқ яна бир қизик ҳолат: мана шу икки рўйхат бўйича ҳисоб-китобларимизда ҳам "МУМ" масъулияти чекланган жамиятнинг низоми жамғармаси (таъсисчилар қўшган пулларнинг умумий йиғиндис) 599 000 сўм чикмапти. Бу сони бизда аввалдан мавжуд нусха бўйича 400 000 сўмдан сал ошмоқда, Азимов тақдим этган нусха бўйича эса 300 000 сўмга ҳам

Газетхонда савол туғилиши табиий: нахотки, журналист шу нарсаларни олган? Ахир у ёғ комбинати мисолида эзига сиққанича порани рад этган эди-ку?!

Бир зум шовмайлик, азизлар, шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташлай: Пўлат Гадов уни суд қилган ва ҳукми чиқарган ҳақамлар назариде порахўр, ўзининг ва бизнинг назаримизда эса-й йўқ!

Сабаб, дейсизми? Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 4-автокорхонада хизмат муддатини ўтаган автомашиналар қимосидега сотила бошлаганидан хабар топган П.Гадов келиб директорга учрашди ва кўёви З.Жумаевнинг шахсий аудит фирмаси учун битта РАФ русумли машина сотиб олиш ниятини айтди. Автокорхона директори Б.Исаев розилик билдиради. Машина 500 000 сўмга баҳоланади. Орадан бир неча кун ўтди, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тегишли аризалар топширилади. Гадов Е.Турлибеков ва Қ.Бободўстов гувоҳлигиде Б.Исаевга 200 000 сўм тўлаб, пулни қолган қисмини РАФ расийлаштирилган, тўлашга келишди. 300 000 сўм ҳам ош пул эмас, уни топшиш учун З.Жумаев аничагина уриниб қолган УАЗ-496 машинаси ҳақда чала қурилгани қолган участкасини сотади.

Орадан қунлар, қунлар кетидан ҳафталар ўтди, машинадан дарак бўлмади. Бир томонда қўёв, бир томонда автокорхона директори, ўртада оқсоқол журналист сарсон! Пировардида, П.Гадовнинг тоқати тоқ бўлди ва орани очди қилиш мақсадида 200000 сўмини қайтариб берилишини талаб қилди.

Мазкур талаб билан "пора" узатиш дақиқалари орасиде қанча фурсат ўтди, бу орада қаерларда қанча шивир-шивирлар бўлди - бизга қоронги, ҳар қалай, Б.Исаев пулни 150000 сўмини эзасига қайтаради. Фақат Пўлат Гадов қўлига олган пул махсус қуқунга беланган эди!...

Бу ҳодиса 1998 йил 4 февраль кунӣ юз берди. Пўлат Гадов ҳибсга олинди. Шу йилнинг 3 июлида Самарқанд вилоят суди уни 12 йилга озоликдан маҳрум этди!.. Журналист мансаб ваколатини суиестемол қилганида, расийи ҳужжатлари сохталаштирилганда, порахўрликда, "... сир сақлашни истайдиган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгалар мулки ва мулкӣ ҳуқуқини беришни талаб этиш..." да айблан-

мулк қўмитаси вилоят ҳудудӣ бошқармаси бошлигини ўринбосари жаноб Мироновга мурожаат қилгандик. У кишидан шундай жавоб олдик: "С "Фарход ва Ширин" омниче не было у нас. Они являются частным. Мы не имеем дело с ними".

Лекин текшириш ўтказилган эди. Қўлимизда, гарчи бўлиб ўтгани шубҳали эса-да, мана шу текшириш натижа-

да неча пул бўлаётганлиги ҳақиде жамият аъзолари ўз вақтида хабардор қилинмаган.

-Жамиятнинг молиявий аҳолини яхшилаш бўйича қурилган чора-тадбирлар етарли даражада бўлмаган;

-Жамиятдан бошқа томонга ишга кетаётган кишилар тўғрисида жамият аъзолари хабарсиз қолган;

-Охириги икки йилда жамиятнинг молиявий аҳоли оғирлиги туфайли бирорта ташкилот билан товар сотиб олиниши бўйича шартнома тузилмаган;

-Дивидент тўлаш бўйича ишларимизда қўлгина камчиликлар маълум бўлди;

-Савдодан тушган бир қунлик тушум 28 минг сўмни ташкил этмоқда, бу эса жамиятнинг аҳоли мутлақо қониқарсиз эканлигидан далолат бермоқда...

Мазкур қарорда бўлиб ўтган текшириш натижаси қанчалик тўғри (яъни қанчалик юмшатиб маъносиде) ёзилган, бу бизга қоронги, бироқ булар юзасидан ҳеч қандай чора қилинмагандек қўринмоқда.

...Хуллас, Самарқанднинг собиқ ШУМИда гап кўп. Бир танишимизнинг айтишича, бу гаверо бир неча йилдан бери давом этиб келмоқда. Афсуски, Азимов ва бир гуруҳ акциядорлар ўртасиде давом этаётган даҳанак жангал хотима билмапта. Акциядорлар ўзларини ҳуқуқлари поймол этилган, деб ҳисоблашмоқда. Азимов эса, уларга ён бергиси келмаётгандек. Балки Азимов ҳақдир. Ана шунга бироз бўлса-да, ойдинлик киритиш учун жаноб раисдан айрим қозғоларни сурагандик. Аммо... нима сабабдан-дир... уларни тўлиқ олиш бизга насиб этмади. Ким билсин, балки гап бошқа ёқдадир. Балки Самарқанднинг тегишли масъул кишилари бу машамашнинг тагига етишар, балки акциядорларнинг арзини тинглаб, адолат юзасидан масалани ҳал этар ҳам. Ва балки бизга икки энлик мактуб билан воқеалар ривож ва хотимасини маълумот тариксиде йўллар ҳам. Яна ким билсин. Лекин биз қутамиз ва балки мавзуга яна қайтармиз ҳам...

-Жамиятнинг умумий йиғилиши ўтказилаётганда, "Хисадорлик жамиятлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни"нинг 65, 66, 69-100-моддалари бузилган;

-Жамият низоми билан унинг аъзолари таништирилиб қилинган бўлса-да, айрим аъзоларимиз низоми билан тўлиқ танишмаганлиги ёки тушулмаганлиги маълум бўлди;

-Сотиб олинган ҳар бир акцияси қиймати ҳозирги пай-

ди. Суд ҳукмини ўқир экансиз, оддий мантиққа сиймайдиган саволлар туғулади. Аслида қандай одам журналистга пора беради? Иш жойида бирор иллати бўлган одам беради. Нима, Б.Исаевнинг илллати бор эдими? Ахир у автокорхонага раҳбар бўлганига бор-йўғи уч ой тўлган, ҳар қалай, у бирор "арзирли" ишқал қилиб улгурмагандир? Нима, унинг қандайдир мухбирдан чўқийдиган жойи бор эдими? Ахир у жўн одам эмас, муқаддам икки марта судланган, озим-қўлми "у томонларда" ўтириб аничагина чиникқан одам битта мухбирнинг пўписасига қалағайи учариди?!

Савол кетидан савол туғилаверади. Ҳўш, Гадов Исаевни қайси ариза билан қўрқитди? Шунча маломатта сабаб бўлган ариза (Сафаров деган кимсага тегишли) судда нега қўрсатилмади? Қўйингки, аризачи негса маҳкамга қақрилмади? Еки судда бир неча бор таҳдиди таъкидлаб ўтилган магнит ёзуви негса сирлигиче қолаверди?.. Пўлат Гадов қайси ҳужжатлари сохталаштирган эди?

Мана шу ерда шубҳа туғилди, назаримда. Демак, Б.Исаев П.Гадов билан олди-бердиси борлигини кимгадир илтишиб қўйган, ўша кимдир темирни қизигида босишни мўлжаллаб, 150000 ни қуқунлаш жойини қўрсатган! Қарабсизки, Б.Исаев жабранлуви ва даъвогарга айланган. Судда қатнашган гувоҳлар ҳам бегона бўлмади - уларнинг бири - Ёқуб ХУСАИНОВ жабранлувининг қайнотаси, иккинчиси - Ҳамза ХУСАИНОВ қайноғаси!

Дарвоқе, 12 йиллик жазога лойиқ қурилган пора орасиде қўй билан бир қутӣ ароқ ҳам бор эди. Судда қўрсатма берган гувоҳ Т.Юсуповнинг айтишича, у Б.Исаевнинг илтмосига кўра бозордан бир бош қўй сотиб олиб, уни П.Гадовнига келтириб ташлаган. Иккинчи бир гувоҳ - Б.Ходиев эса бир қўйни сўйиб, Б.Исаевнинг ишхонасига олиб бориб берганини айтди.

Бу қўрсатмаларнинг фарқи шубҳалантирмаптаими?... Ҳамма томонда "шаккок" мухбирнинг ақлини киргизиб қўйиш учун олдидан "саҳналаштирилганга" ўхшаб кетмаптаими?..

Шубҳалар ўзимизники, лекин Пўлат ака Гадов ўн иккита олиб кетди. Олиб кетдию, қараб ўтирмади, у Самарқанд вилоят суди устидан кассацион

шикоят ёзди. Олий Суднинг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси 1998 йилнинг 19 октябрда ҳукмини ўзгартириб, П.Гадовга мол-мулкни мусодара этиб, 10 йилга озоликдан маҳрум этиш жазосини белгиледи.

Яна шикоят ёзилди. Бу сафар Олий Суд Раиси У.Мингбоев раислигида ўтган йиғилишда жазо муддати 6 йилу 11 ойга туширилди.

Хотира ва қадрлаш қуни муносабати билан Президентимиз томонидан эълон қилинган афе этиш тўғрисидаги Фармонга мувофиқ Пўлат Гадов озоликка чиқди!..

60 ёшини ва журналистик фаолиятининг 40 йиллигини маҳрум сифатида "нишонлаган" Пўлат Гадов бугунги кунда ўз қалами билан ватанга, халққа, ўзбек матбуотиға келтирган нафтини, шунча йиллик чеккан заҳматлари эвазига эришган ютуқларини сарҳисоб қилиб ўтирибди. Ер-дўстлар қўнгиб сўрашмоқда, унга самимий ҳамдардлик билдиришмоқда. Пўлат ақининг порахўрлигига ишонаётганлар ҳам, ишонмаётганлар ҳам бор. Бунинг нечоғли тўғри-нотўғрилигидан қатъий назар биз ёш журналистлар ўзимиз учун сабоқ қириб олмоғимиз зарур.

Давр ўзгаряпти. Жамиятда журналистнинг ўрни ошяпти, унинг назоратчилик фаолияти ҳаммага ҳам бирдек ёқавермаслиги аён. Бу ҳол, барча-барчамизни ҳўшёрлигига ишонаётганларга, турли алдам-қалдамларга учмасликка қақрилади.

Яна бир ҳулосани очикроқ айтишга тўғри келади: негса журналистлар орасиде бир-бировини қўллаб-қувватлаш тўғриси йўқ ҳисоби? Негса П.Гадовни ҳўлинг не деб ҳимоя қилдиган ҳамкасб топилмади? Ўзбекистон оммавий ақборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёзилган илтмосномаға кўра суд Қашқадарёдан Самарқандга ўтказилгани демаса, озоликдан маҳрум этилаётган ҳамкасбимизнинг жонига оро қирадиган жонқуяр топилмаганини қандай баҳолаш мумкин? Пўлат Гадовнинг бошига тушган қуфрат эрта-индин бошқа бировимизнинг бошимизга тушмайдиган қалонимизга йўқ-ку?

Начора, аччиқ бўлса-да, шу каби мулоҳазаларни ўзимиз учун сабоқ ва ўрнак сифатида ўйлашимиз жуда-жуда зарур.

Мақоламиз сўнгиде айтишимиз зарур бўлган яна бир гап бор: Пўлат ака Гадов дов-дастгоҳи йиғиштириш нияти йўқ, у киши илгариги гайрат, илгариги шикдид билан журналистиканинг қора, лекин шарофли меҳнатини бажаришга ҳозир нозир! Чўнки ЖУРНАЛИСТ жамиятимизда кечаётган ҳозирги ҳуқуқий-демократик жараёнларга ишонди, адолат тантанасига ишонади!..

## "РАҲБАР ҚОНУНИ БИЛАДИМИ?"

("Хуррият", 1999 йил 22 сентябрь)

Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан "Хуррият" рўзно-масининг 1999 йил, 22 сентябрь сониде чоп этилган "Раҳбар қонунни биладими?" сарлавхали мақоласи юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда аниқланишича, Каттакўрғон туманидаги "Нуробод" фермер ҳўжалиги 1994 йилдан 1999 йилгача 5 гектар ердан фойдаланиб келган бўлиб, туман ҳокимининг 1999 йил 5 январь 13-қ-сонли қарори билан ушбу фермер ҳўжалигининг Низомни қайта рўйхатга олишган.


Унга фойдаланиб келган 5 гектар ер майдонига қўшимча яна 5 гектар ер ажратилган. Ушбу қарорға асосан "Нуробод" фермер ҳўжалиги 1999 йил 8 январь кунӣ 50 йил муддатда ерни фермер ҳўжалигига ижарага бериш тўғрисида далолатнома тузилган.

Шунингдек, О.Махмудов номили жамоа ҳўжалиги томонидан 1998 йил 27 ноябр кунӣ "Алишер" фермер ҳўжалигига сувли ердан 10 гектар ер майдонини 50 йил муддатда ижарага бериш тўғрисида 4-сонли вақиллар йиғилишининг қарори қабул қилиниб, ер майдонини фермер ҳўжалигига бериш ҳақиде туман ҳокимияти комиссия аъзоларининг далолатномаси тузилган.

Ушбу қарор ва далолатномаға асосан 1999 йил 23 январь кунӣ О.Махмудов номили жамоа ҳўжалиги ҳудудиде ташкил этилаётган "Алишер" фермер ҳўжалигининг низоми тасдиқланади, унга қўшлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сувли ердан 10 гектар ер майдон ажратилиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори қабул қилинган. Лекин О.Махмудов номили жамоа ҳўжалиги раҳбарлари томонидан "Нуробод" ва "Алишер" дехон фермер ҳўжалиқларига контурда ажратилган ер майдонини бермасдан, уларга ташландик, сув қилимайдиган, экин эқилмайдиган дашт жойдан ер ажратиб берилганиги текширишда аниқланди.

Текширув натижаларига кўра, "Нуробод" ва "Алишер" дехон-фермер ҳўжалигига суғориладиган майдондан ер бериш ҳақиде О.Махмудов номили жамоа ҳўжалиги бошқарувиға ушбу қонунбузарликни зудлик билан бартараф этиш борасиде Амрнома ва туман ҳокимига Тақдирнома киритилди.

А.А.ХУ



ЛЕЙБОРИСТЛАР ВАЪДА БЕРМОҚДА...

Лейбористлар Британия иқтисодини ўзларининг ўтмишдаги сафдошларига қараганда анча салоҳият билан бошқариб бормоқда, дея Тони Блейр ҳукуматига баҳо берди Англияда чиқадиган "The Sunday Times" газетаси, Аммо...

Мазкур газетанинг ёзишича, 1945-1950 йиллардаги Лейбористлар бошқаруви давомида Куддуси Шарифни барпо қилиш каби муваффақият ортидан давоми молиявий тушқунлик ва пул қадриятининг юз берди. Х.Вилсон ҳукумати (1965-70) бошқаруви эса турли иш ташлашлар, доимий иқтисодий инқироз ва яна ўша фунт-стерлиннинг қадриятининг пасайиши билан кенди. Барчасидан 1974-79 йиллардаги Вилсон-Коллаган (1976 йилда Х.Вилсон туғатдан истефого берди, унинг ўрнига сафдоши Лейборист Ж.Коллаган бош вазир бўлди) ҳукумати ўтиб тушди: инфляция 26 фоизга етди, Британия Халқаро валюта жамғармасининг кўмагисиз қолди...

Британия иқтисоди ўтган қишда қуцислана бошлади, аммо бу ҳол узоқ давом этмади. Хозир эса у яна шиддат билан юқориламоқда. Ажабланирлики, ҳукумат ишчилар сонининг кескин даражада ўсишига йўл бермади. Сунгги 36 йил давомида инфляция илк бора энг куйи нукта - 11 фоизни кўрсатди, бунинг натижасида молия тизими соғломлашди. Олдинроқ ҳокимият учун бўлган сайловларда Лейбористлар муҳолифлари бўлиш консерваторларни 1979-96 йилларда Британиянинг энг ривожланган давлатлар рўйхатидаги 13-ўриндан 21-ўринга тушиб қолдишда бош айбдор этиб кўрсата бошлаганди. Иқтисодий бирдамлик ва тароққиёт ташкилотининг маълумотларида ҳам миллий даражада аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Британиянинг йигирма биринчи ўринда эканлиги ўз тасдиғини топди.

1998 йил якунларига қўра, Британия ривожланган давлатлар рўйхатининг ҳамон куйи ўринларидан бирини эгаллаб турибди. Мазкур рўйхатда Люксембургдек миттигина давлат етакчилик қилмоқда.

Table with 2 columns: Country (Дунёнинг ривожланган давлатлари), Pounds (фунт-стерлинг), and US Dollars (хисобида). Lists countries like Luxembourg, UK, Japan, Germany, Ireland, France, and Britain.

Британиянинг Европа Иттифоқидаги бошқа давлатлар билан савдо кўрсаткичлари ҳам турғун ҳолда қолди. Савдо камомади рекорд даражани кўрсатди, маҳсулдорлик (ишчи бошига) 20 фоизни ташкил этди. Бу борада ҳам Британия ўзининг рақиблари Франция, АҚШ ва Германиядан орта даражада. Сунгги икки йилда маҳсулдорлик 2 фоизга ошди, ҳолос. АҚШда эса бу кўрсаткич 5 фоизни ташкил этди.

Шу шароитда ҳукумат иқтисодни қандай қилиб янада яхшилаши мумкин? Лондон иқтисод мактаби профессори Чарлз Биннинг айтишича, ҳукуматнинг иқтисодий барқарорликни доимий ушлаб туриши шубҳали... Бу ерда таълим ва интеллектуал салоҳиятга урғу бермоқ лозим.

Ҳукумат эса кўпгина кишиларни иш билан таъминлаш, компанияларнинг солиқларини қисқарттириш, узоқ вақтни инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва таълимга кўпроқ эътибор қилиш Британиянинг дунё иқтисодий ўйинлари дағи устунлигини таъминлайди, деб ишонмоқда. "Албатта, бу бўлиши мумкин, - деб ёзади The Sunday Times, - бироқ бу максатнинг амалга ошиши учун хозирги "ўйинчилар" ҳукумат ҳам узоқ вақт ҳокимиятдаги устунлигини қўлдан бермаслиги талаб этилади."

Нафиса РАВШАНОВА, ЎДЖТУ халқаро журналистика факультети толибаси

СОҲИБЖАМОЛ МАҲКУМА

Перу пойтахтидаги Санта-Моника аёллар қамқоҳонасида 1993 йилдан бери гўзаллик танлови ўтказиши аниҳана тусини олган. Бу йилги танлов ҳар қачонгидан дабдабали ташкил этилди: жазо муддатини ўтаётган соҳибжамоллар ўзларини кўз-кўз қилган томошалар телеэкран орқали бутун мамлакатга олиб кўрсатилди. Танловда афён сотишда айбланган голландиялик Николь Бос исмли маҳкума голиб деб топилди.

Ҳа-зи

Ельцин АҚШга қўнғирқор қилибди: - Билл? Билл Клинтонмисан? Ким? Билл Гейтс дейсанми? Э, кечирасан, қаричилик, танимай қолибман - бой бўласан...

Тошкентдаги Фарб ишлаб чиқаришига мансуб самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказида илк бор "Боинг" самолётини таъмирлаш ишлари улаштирилди. Қўли гул ўзбек мутахассислари ун кун мобайнида замонавий самолётга техник хизмат кўрсатиш ишларини ато даражада бажардилар. Миллий авиакомпаниянинг "Самарқанд" йўналишидаги самолётни яна халқаро йўналишларга чиқди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МДХ орасида биринчи лавдан бўлиб ўз авиация техникасини янгилаш йўлини тутди. Бугунча қилиб миллий авиакомпания...

АҚШ: ЕТАКЧИЛИКНИНГ ҒАВҒО ВА САДҚАГАРИ

ЖАРАЁН

Биз федерал бюджетнинг бир фоизи хусусида сўз юритамиз. Биргина ана шу фоиз бизнинг давримиз ёзилмаган тарихнинг 50 фоизини аниқлаб бериши мумкин. Бунинг таъсири эса юз фоиз америкаликлар ҳаётида намоён бўлади, дейди сийосатдонлар орасида айрича шухрат қозонган Мадлен Олбрайт хоним.

Ойхирлаб қолган аср гилдираги тобора шиддат билан айланмоқда. Яна бир ярим ойдан сўнг - 2000 йил. Хўш, янги асрни Америка Қўшма Штатлари қандай қилиб олиди? Таҳлилларга қўра, сеҳрли диёр янги юз йилликка чекизи имкониятлар, айна пайтда хавф-хатарлар билан кириб келиши кутилмоқда. Негаки, бунинг учун етарлича шарт-шароит ва эҳтимоллар мавжуд.

Собик Иттифок таназзулидан сўнг Америка барча китъаларда ўз манфаатларига эга бўлган, дунёда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ҳукмрон мамлакат деган истилоҳ мумолага кирди. Албатта, давлатнинг бу мавқеини эгаллаш билан алоқалар бир неча ўн ва юз йиллик ҳаракатлар алоҳида мавзу.

Маълумотларга таянмаган бўлсак, бугунги кунга келиб, АҚШ ҳукумати халқаро фаолият учун ҳар доллاردан фақат бир пенни микдоридан маблағ сарфлапти. Мазкур сармоҳ ҳажмининг кенгайиши Америка халқининг хавфсизлиги, фаровонлигини таъминлайди ва қадриятларининг кенроқ тарқалишига хизмат қилади. Шунга қарамадан, АҚШ Президентини Е.Клинтон 2000 молиявий йил бюджетини 3,2 миллиард долларга (14 фоиздан кўпроқ) қисқарттириш тўғрисида тақлиф қилди.

Конгресс бюджетдаги қисқарттиришлар АҚШ терроризми ва гўёхандликка қарши курашувчанлиги ва содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳақиқатларни яқин Шарқ, Шимолий Ирландия ва Болкон каби беқарор минтақаларда мурося ва музокарага келишининг, низо-ларга нукта қўйишининг ишончли куринишида иш...



Бу йил қиш эрта тушди

МУКОФОТ МУБОРАК, АҲМАД ЗУВЕЙЛ!

Нобел мукофотида сазовор бўлган биринчи мусулмон мисрлик собик Президент Анвар Ал-Саадат ҳисобланади. Бу юксак мукофотга у Исроил собик Бош вазири М.Бегин билан бирга, қандайдир тинчлик ўрнатилиши борадаги сая-ҳаракатлари тўғрисида сазовор бўлган эди.

Бундан қарангки, Нобел мукофоти соҳиб бўлган иккинчи мусулмон ҳам айнан мисрлик экан. У Миср халқининг ардоқли адбиби Нағиб Махфуддир. Бу жаноб 1988 йилги адабиёт бўйича Нобел мукофотининг совриндори бўлган.

Ҳақиқатда 1999 йил учун Нобел мукофотида сазовор бўлган бир гуруҳ зиялилар рўйхати эълол қилинди. Бехити қарангки, бу гал таъдирланганлар орасидаги мусулмон ҳам мисрлик бўлиб чиқди. У Миср Араб Республикаси ҳамда АҚШ Фуқароси, фан доктори Аҳмад Зувейлдир. Аҳмад дастлаб Мисрдаги Искандария университетини тугатган, айна пайтда ана шу университетда магистр илмий даражасини олган. Американинг Панвельвания университетиде докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Аҳмад Зувейл "Кимёвий реакциялар давомида молекуларларда содир бўладиган ҳодисаларни кузатишда лазер нуридан фойдаланиш усулини кашф этиб дори-дармон ва кимё саноати тараққиётига мислсиз ҳисса қўшганини учун уни Нобел мукофотида муносиб олим деб топилди.

Олим мисрлик эканлигининг факторлиб, бу мукофот нафақат унинг, балки Ватани - Миср халқи муваффақиятига берилган юксак баҳо раҳми эканлигини мамнуният билан таъкидлади.

Қадимда илмий рисолалари билан дунёни лол қилган Буёқ Шарқ алломуларининг бугунги ворислари ўз аждодларининг ўтмишдаги шон-шухратига эришиб қолди, уларнинг оламшумул кашфиётлари билан боболари руҳини шод этмоқда, энг юксак мукофотларга сазовор бўлмоқда. Бу эса бутун Исломиётнинг, она Шарқнинг фахридир.

Н.ОЧИЛОВ

олиб бориши хавфсиз ва тинч дунё учун хизмат қилапти. Сунгги икки йил давомида мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари 200 дан зиёд жиноятчи ва террорчини қўлга олиб, тегишли суд маҳкамаларига топширди. Ҳукумат ўзининг гўёхандликка қарши кураш дастурини амалга ошира экан, Таиландда опийум ишлаб чиқарилишига барҳам берди, мамлакат аҳоли пунктларига Перу, Боливи ва бошқа ҳудудлардан оқиб кириши мумкин бўлган бир неча миллиард доллар микдоридеги гўёханд моддаларни тўхтайтиб қолишга эришди.

Америка ҳукумати юргизаётган илчил ташқи сийосат мамлакатни дунё иқтисодиётининг маркази бўлиб қолишига қўмақлашапти. Ҳукумат мамлакат ички сийосатини ва хизматлари экспорт қилиш имкониятини кенгайтирувчи савдо битимларини имзолаш орқали экспорт ҳажминини ошириб юборди. Бу операция табиийки, мамлакат учун фақат ва фақат фойда келтиришга хизмат қилади.

Ҳукумат томонидан хорижий савдо ва сармоҳда бемалол рақобатга қаршиликни унчун чет элдаги элчионалар орқали америкалик фермер ва ишбилармонларга аҳшигина шарт-шароитлар яратиб берилган. Давлат ўз фуқароларини чет элларда ҳам қўллаб-қувватлайди, фуқаролари онинга "ортингда туринг бор" деган ақидадан сунгидиришга, "америкача гуруҳ"ни шакллантиришга интилади.

АҚШ ташқи сийосатида америкаликлар оруз-аъмоли, манфаатларини ўзида акс эттирадиган "миллий" қадриятларни ташвиқ этишга етарлича аҳамият берилди. Бу борада ҳукумат демократик мамлакатларни қўллаб-қувватлаб, уларга кучли демократик идоралар яратиши йўлида дипломатик восита-

лар ва дастурлар орқали қўмақлашади. Ҳукумат шахс ҳуқуқлари поймол бўлаётган ва сўз, фикр озодлиги бўғилган давлатларда инсон ҳуқуқларини тўлалигича таъминлашга халқаро ҳуқуқий мезъорлар асосида ҳаракат этапти. АҚШ халқаро мисрқода 20 млн. касалманд ва бечоралоқ кишига инсонпарварлик ёрдами кўрсатапти. Биргина ўтган йилнинг ўзида 16 млн. киши америкалик саховатпеша фермерлар хизматидадан баҳраманд бўлди.

Янги асрни ахборот асри бўлади, деган баҳоратларнинг қанчалик ҳаққонийлигини ҳаёт кўрсатади. Аммо оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, хизмат қилиши янги асрда ҳам дунё учун ҳар қачонгидан-да кўпроқ нуфуз ва аҳамият касб этиши аниқ. Ер юзида 90 млн. ортиқ киши "Америка овози"дан мустақил ахборот олади.

Ҳукумат қўллаб-қувватлаётган ана шундай воситалар бошқа китъаларда яшаётган кишиларга дунёнинг етакчи давлати сийосатини тарғиб ва ташвиқ этади.

Ҳукуматнинг хориждаги 260 ваколатхонаси турлича йўналишдаги 30 агентликка хизмат қилиб, мамлакатнинг чет элдаги қизиқишлари, манфаатларини таъминлайди. Бу фаолиятлари бундан кейин ҳам илчил таъминлаш учун, табиийки, мавлаб керак. Бу маблағларсиз АҚШ дунёда етакчи давлат бўлолмайд.

Агар биз етакчи бўлмасак, Америка хавфсиз бўлиши мумкин эмас ва Америка ресурсларсиз, етарли имкониятсиз етакчи бўлиши мумкин эмас, дейди давлат мамлакатининг бюджет тўғрисидаги маълумотларида.

Конгресс янги асрда бюджетнинг қандайдир кетишидан норози. Етакчиликнинг эса ўзига яраша масъулият ва талаблари бор. Ана шунча гаплар.

Норали АСЛОВ

ПАСПОРТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ

Паспортлаштиришнинг ахборот тизими халқаро босқичга кўтарилди. Энди хорижда ҳам бемалол сиз ҳақингизда фуқаролари ўз паспортига эга бўлгандан бери Ички ишлар хужжат даражасига олиб чиқиш борада қилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ички ишлар вазирлиги Аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштириш ахборот тизими Республика маркази бошиги, милиция полковниги Миржалол КАРИМОВ шулар ҳақида сўзлаб берди.

Миржалол Сафоевич, Сиз раҳбарлик қилаётган марказнинг асосий вазифалари ва максадлари нималардан иборат? - Хабарингиз бор, давлатимизнинг янги паспортини аҳолига бериш 1995 йил январидан бошланган. Паспортлар Олмониянинг "Гизеке-Девриент" фирмасидан харид қилинган "Дилетта 230 I" ускунасида чоп этилиб чиқарила бошланди. Шу боис Республика Ички ишлар вазирлигининг "Хорижа чиқиш-келиш ва фуқаролик" бошқармасига мамлакатимиз ҳудудида янги нусхаддаги паспортларни бериш ишини автоматлаштириш ягона ахборот тизимини тузиш юқатилди. Янги паспортларга автоматлаштириш ҳуқуқий асосларини белгиловчи 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 ноябр, 1994 йил 27 декабрдаги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида "Аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими бўйича Республика Маркази"ни (АПААТМ) барпо этиш тендери эълол қилинди. Тендер натижаларига қўра, Россиянинг "LVS" корпорациясидан 400 дан ортиқ замонавий компьютерлар, дастурлар харид қилинди. Улар 1995 йил давомида вазирликнинг "Хорижа чиқиш-келиш ва фуқаролик хизмати"нинг барча тизимларига ўрнатилди. Шу билан бирга лозим дастурлар таъминоти инсталляцияси ва шахсий тартибни компьютерлар билан ишлашга ўқитиш ҳам амалга оширилди. Мазкур техникадан самарали фойдаланиш учун тезкор алоқа воситалари ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси янги паспортининг халқаро андозаларига тўғри келадиган жиҳатлари нималардан иборат? - Янги паспортимизни халқаро андозаларига мослаш мақсадида 1996 йил 31 январидан Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақида"ги қонуннинг рақамли (Шахсий кодлар) тақдими этиш бўйича махсус қарори қабул қилинди ва ўша йилнинг иккинчи ярмида бошлаб амалга оширила бошланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг тулик ҳисоботини олиш, миграциясини ҳисоблаш ва назорат этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят мазил-маълумот идораларига ўрнатилган компьютерлар ҳам ягона тизимга уланди. Натижада жойлардаги компьютерларнинг маълумотлар тўпلامига фуқароларнинг келиб-келиши ҳақида 1 миллиондан ортиқ ахборот йилгиди. 1999 йил 1 октябрга келиб эса 14 миллиондан зиёд фуқаро янги паспортлар билан таъминланиб, шулардан

6 миллиони тўғрисидаги маълумотлар автоматлаштириш-ахборот тизими Республика марказида тўплама қилинди. Энг қувонарлиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника комитетининг бу борадаги қилган ишларимизни ўрганиб, "Ахборот тизимининг автоматлаштириш барча зарур талабларга жавоб беради" деган хулосаси бизнинг ишимизга берилган муносиб баҳодир.

Энди фуқароларимиз борган чет мамлакатларда маълумот олиш учун паспортимиздаги "Шахсий код" компьютерга киритилиб, етарли бўлган-да? - Ҳа, шубҳасиз. Ушбу тизимнинг қўлланилиши барча хизмат босқичларида халқаро андозаларга талабларидеги бошқариш ва назорат қилиш имконини беради.

Сўхбатимиз ниҳоятда "компьютер маркази"нинг келгуси режалари ҳақида қисқача маълумот берсангиз. - Хулоса қилиб айтганда, автоматлаштириш-ахборот тизими Республика маркази ходимларининг илчил сая-ҳаракатлари: аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи ички ишлар идоралари иш фаолиятининг сифати ва тезкорлигини таъминлашда янги босқичга чиқишга; паспорт маълумотлари умумий тўпلامي мурожаат қилиш имконияти мавжудлиги туфайли тезкор, тергов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг иш унумдорлигини оширишга; лозим алоқа воситалари орқали тизимнинг қўлланиши божиона ва чегара пунктларида ўтказиш имкониятини, ДАН бўлиmlарининг ишини яхшилатишига; Мехнат вазирилик, Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбекистон" тизимидеги таъминотларга хизмат доирасида фойдаланишга; Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тезкор диспансеризация ва тиббий сууртлашнинг самарасини оширишга; Давлат солиқ ташкилотларига жисмоний ва ҳуқуқий шахслар билан илчил ишлашга кенг имкониятлар беради.

Энг муҳими, Республика марказининг автоматлаштириш-ахборот тизимини амалга оширишда қўллашдаги эришган ютуқлари ҳали дебора бўлиб, марказ ходимларини масъулият билан илзанишларига чорлайди.

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД ёнб олин

МАЙКЛ ХОЛЛ: "ЎЗБЕК ТИЛИНИ СЕВАМАН!"

ЭТИРОФ

Яқин ўтмишимизда ўзбек тили тилшунос Маровларнинг суний назарияси қуввати билан айланган сийсий гилдирақ остида топталиб кетишига бир баҳя қолган эди. Аммо ўн йил вақт тарихга айланибди ҳамки, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари давлат тилини билишга дея олмаймиш. Дунёнинг турли бурчакларида туриб тилимизни ўрганаётганлар, диёримизга келиб, бизни ўзбекона сўзасолик билан лол қолдираётганлардан биз ибрат олмоғимиз, энди сўхташликни иргитмоғимиз лозим эмасмики? Шуниси кизиқи, хорижликлар нафақат тилимизни эгаллашяпти, шу билан бирга тил соҳасида илмий тадиқот ишларини ҳам олиб боришяпти.

Кўни кеча ўзбек тилининг давлат тили сифатида ўн йиллик тўйи бутун республикамиз миқёсида кенг нишонланди. Ана шу санага бағишланган тадбир Мирзо Улуғбек номи ТошДуниинг тил марказида ҳам ўтказилди. Кечда сузланган табрик нуқталари орасида бир америкалик олимнинг равои ўзбек тилида сузлагани хотирамда катта таассурот қолдириди. Бу киши Майкл Холл бўлиб, Бостоннинг Массачусетте штатидаги машҳур Харвард университетидан ташриф бурюрган экан. Бир неча тилларни "ишго" қилган жаноб Майкл Холл бизнинг саволларимизга иштиёқ билан жавоб берди:

Майкл, ўзингиз ва Ўзбекистонда олиб бораётган илмий фаолиятингиз ҳақида сузлаб берсангиз. - Мен Америкадаги Осиё мамлакатларининг маданият масалалари билан шуғуланувчи қўма вакили сифатида Тошкентга келдим. Хозирда ТошДуниинг ўзбек

филологияси факультетида тадиқотчиман. Ўзбекистонда тил илсоҳоти ва сийосати, унинг "Давлат тили" мақомини олиши, алифбонинг янги графикага ўтиши билан боғлиқ илмий иш олиб бориламан. Мен ўн йилдан бери ўзбек тилини ўрганаётган ва тил масаласини мунтазам кузатиб келяман. Чўнки, бизда (Америкада) ҳам ўзига яраша тил муаммолари бор.

Майкл, ўн йиллик давр ичида тил борасида юз берган қандай ўзгаришларни кузатдингиз? - Ижобий ўзгариш самолётдан чиқибман биланок кўзга ташланди. Лотин алифбосида эзилган "Toshkent"ни кўриб, тил соҳасида тубдан ўзгаришлар амалда исботи билан эканини тушундим. Албатта, тил илсоҳоти жадал суурьтада олиб борилаётган бўлса-да, қатор ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг биринчи, бу - ўзбек тилини ўқитиш методини пухта ишлаб чиқиш керак. Тил ўргатишда мазмунли тузилган дарслик билан бир каторда кўчи методологив бўлиши шарт.

Сиз ўзбек тилида соф гапирар экансиз, рус тилида ҳам қийинмай муомала қиласиз. Бунинг сирини нимада? - Аввало, бетиним мекнат ва ишга жиддий муносабатда бўлиш деб ўйлайман.

Бугун ўзбек тилининг қайта тугилганини байрам қиласиз. Ана тилимизда қатто хорижликлар ҳам фикр ифода қилипти. Лекин тил байрами Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўзбек тилида муомала қила олганлигига чинакамгина тўқис бўлади.

Ирода НАРИМОНОВА

ҲАҚИКАТНИ ТЕЖАШ КЕРАК!

Шон-шухрат — тугун, муваффақият — тасоди! Бу заминдаги ақло-ягон ишончли нарсаси — фақирлик.

"Садоқат" сўзи кўп зин келтирди. Одамлар мингларча адолатсизликлар ва қонсузликларга "содиқ" бўлишга ўргатилди. Ҳолбуки, улар фақат ўзларига содиқ бўлишлари лозим эди, ана ўшанда улар алдовга қарши исён кўтардилар.

Ҳақиқат — энг улғу бойлик, уни тежаш керак. Мана бу мақолга эътиборни қаратинг: "Ҳақиқат гўдаклар ва ақлсизлар тили билан гапирди". Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Яъни, катталар ва қисқа одамлар ҳеч қачон ҳақиқатни гапирмайдилар.

Ҳамиша ўз хатоларингиз бўйинингга ол, бу бошлиқларнинг кушёрлигини сўсайтиради ва янги хатолар қилмоқ икконини яратади.

Ҳеч қачон рост гапга номуносиб одамга ҳақиқатни айтма...

Мақтов ҳамиша одамни хижолатла солади: нима дейишинини билмайди, керакли сўзларни тополмайди. Ахир, мақтов гапларга жавобан нима ҳам дейиш мумкин? Мени жуда кўп мартаб мақтадилар, мен ҳамини хижолат чекдим. Мен ҳар сафар бундан ҳам кўпроқ мақташлари мумкинлигини сезиб турдим.

Марк ТВЕН

Advertisement for 'АХСАБО!' (Aksabo!) featuring a large number '3' and text about archaeological excavations and a 25 km long road.

# ҚЎҚОННИНГ ЁҒИ — ЖОННИНГ РОҲАТИ!

### Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамияти учинчи асрга қадам қўяди

Қўқон ҳақида гап кетгудек бўлса, киши кўз ўнгига дарров ўтмиши узоқ тарихларга бориб тақаладиган қадимий шаҳар намоён бўлади. Тарихи бутун Турон замини билан узвий боғланиб кетган қўқна Хўқанди Латиф асрлар давомида ўз бошидан не-не сир-синаотларни ўтказмади.

Туркистон шаҳарлари орасида Қўқоннинг ўзига хос ўрни ва салоҳияти бор. Янги аср бўсағасида туриб, Хўқанди Латифнинг ёши, у босиб ўтган ва ўтаётган ҳаёт йўлларига назар ташлашнинг ўзи кишига катта маъсулият юклайди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Хўқанди Латиф Хизр алайҳис салоту ва салламининг пок назарлари тушган азиз жойлардан. Илму-фанга улкан ҳисса қўшган ва қўшаётган олиму фўзалолар етишиб чикди бу юртдан. Қўқонни адабиёт ва санъатнинг ўчоғи деб бежизга айтишмаган. Бу заминда туғилган,

тарбия топган буюк зотлар ҳақида тўхталишнинг ўзи алоҳида бир мавзу.

Қўқон - мамлакатимиз шаҳарлари орасида юксак тараққий этган ва айни мустақиллик даврида янада гуллаб-яшнаётган шаҳарлар сирасига кириди. Қўқонда бир аср ва ундан ошқик вақтдан бери фаолият кўрсатиб келаётган саноат корхоналари мавжуд. Ана шундай корхоналардан бири Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятидир. Яқинда корхона ўзининг 115 йиллик тўйини нишонлади.

Қўқонда Қўқон ва қўқонликлар ҳаётида муҳим ўрин тутган ва тутаётган ёғ-мой ҳиссдорлик жамияти ҳаётидан айрим лавҳалар билан танишасиз.



## ЎТМИШГА БИР НАЗАР

Чор Россиясининг босқинчилари шаҳар кўчалари бўйлаб милтиқ, найза кўтариб изғий юришибди.

1883 йилнинг май ойлари. Москвалик савдогар байлардан бири Лахтин, ака-ука Каменскийларнинг пахта тозалаш заводи яқинидан ер ажрати олади. Лахтиннинг мурод-мақсади аниқ: "Мундоқ ўйлаб қараса, Туркистон ўлкасида, айниқса, Фарғона водийсида тезда чўнтак қаппайтиришдан осони йўқ экан". Биринчидан,



бу ерда олтиндан-да қиммат пахта етиштирилади. Иккинчидан, сув текин, тайёр ишчи кучи — маҳаллий халқни истаганча эзиб ишлатиш мумкин. Бунинг обдон ҳисобини олган Лахтин, Туркистонда биринчи бор ёғ-мой заводи қурилишига унаб юборди.

Бир йилга бориб-бормай 10 минг пуд ёғ ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод бунёд этилди. 1884 йилнинг 26 сентябрида завод тулиқ фойдаланишга топширилди. Маҳсулотнинг ақсар қисми Россияга жўнатилади, бир қисмигина Қўқонда қолдирилади. Албатта, маҳаллий аҳоли учун эмас, Қўқонда, Скобелев (Фарғона)да ва водийнинг бошқа шаҳарларида оддий, юпун кийинган маҳаллий халққа милтиқ ўқталиб, дағдаға қилаётган рус солдатлари учун қолдирилди эди.

Пахта ёғининг мазасини татиб қўрган чоризм қорчалолари: "Эҳ, бу ёқда мазали ёғ бор экан. Заводни қўчайтириш керак" деб режа туздилади. Заводни узда-бурон ака-ука Ведьяевлар сотиб олади. Улар заводга ўша пайтнинг илгор технологиясига асосланган асбоб-ускуналарни олиб келиб ўрнатилади. Қайта жиҳозланган завод, илгарига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 1904 йилга келиб унда жами 87 киши ишлайди. Буни қарангки, руслар билан маҳаллий халқдан чиққан 49 нафар ишчи ишлаган экан.

Оқ пошшо даврида завод гоҳ туркиради, гоҳ орқага кетди. 1918 йилга келиб, завод ўз тарихида биринчи бор 53 тонна ёғ ишлаб чиқаришга эришди. Яна эски тос, эски ҳаммом. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳаммаси пролетарлар дохйиси Лениннинг соғайиб кетишига сарфланди.

1925 йилнинг 9 феввали эди. Қўқон кўчалари, хиёбонлари қордан тозаланди. Совуқ одам танасини "чақиб" олади. Темир йўли вокзалига қараб отлиқ рус солдатлари ўта бошлади.



Поезд вагонидан узун бўйли, ориқ, чўкки соқолли, кўзойнақ таққан киши тушди. Қўтиб олишга чиққан бояғи солдатлар меҳмон томон интилишди. Рангида қондан асар йўқ боғи одам, ўз тилида бир нима деганди, солдатлар баробарига унга жавоб қайтаришди. Қўқонликлар кейин билишса, улар ҳарбийчасига саломлашгани экан.

Юзидан қон қочган киши Михаил Иванович Калинин эди. Нега айнан кўзойнақ таққан, чўкки соқолли, М.И.Кали-

нинни эслаб қолдик? Бу бежиз эмас. Чунки Қўқон ёғ заводи аввалига "Красный Октябрь", кейин эса М.И.-Калинин номи билан юритилди. "Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир!" деб шунга айтиш керак-да.

Ииллар ўтди, маҳаллий халқ орасидан малакали ишчилар, мутахассислар етишиб чиқа бошлади. Ҳатто улар орасида меҳнат қахрамонлари пайдо бўлди.

## СУЛОЛА

Эрмат ота Нурчаевнинг номини нафақат Қўқон ёғ мой комбинатида ишлаётганлар, балки бутун Қўқон аҳли яхши танийди ва ҳурмат билан тилга олади.

Негаки, Эрмат ота Нурчаев ўз умрининг ақсариятини шу корхона ҳаёти билан боғлади. Турмуш ўртоғи Жасура ая Аҳмедова ҳам шу корхонада бутун умр меҳнат қилди. Аҳил оила узоқ ва самарали, ҳалол ишлашди.

Эрмат отанинг меҳнатини аҳил жамоа муносиб тақдирлашди. У ишчилар орасида биринчилардан бўлиб, "Меҳнат қахрамони" деган шарафли номга сазовор бўлди. Бугун Эрмат ота ва Жасура аялар қарилқик гаштини сурмоқдалар. Эрмат отанинг беш фарзанди Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятининг фаол ишчиларидан саналади.

- Заводга 1979 йили ишга келган эдим, - дейди Нейматжон Нурчаев, - ота касбида ишлаётганимда хурсандман. Отаим ҳалол меҳнатлари билан бизларни тарбиялаган эдилар. Бизлар ҳам ана шу анъанани давом эттираймиз. Оилада беш фарзанддан уч кизни турмушга узатдик. Тўрт набирамиз бор. Худога шукр, тўйлар қилаяпмиз. Хаммаси шу корхона ортидан, ҳалол



меҳнатлар эвазига бўлаёпти. Бугунги кунда шу даргоҳда укаларим Шерматжон, Бурхонжон, Муаззамжон, Рисолатжонлар меҳнат қилишадди.

## МИННАТДОР ҚАЛБЛАР

Ҳар кун истеъмолда бўлгани учунми, "пахта ёғи-да" деб қўя қоларқанимиз. Аммо пахта ёғи ишлаб чиқаришдаги мураккаб иш жараёнилар ҳар қандай кишининг ҳам бошини айлантириб қўйиши турган гап.

Биз комбинат касабга уюшмаси раиси Марҳамат опа Аҳмаджонова билан кун бўйи цехдан-цехга ўтиб, комбинат ҳаёти билан яқинроқ танишишга интилдик. Ҳар қанча уринмайлик, тушуниб етганимиздан тушуниб олмаганимиз кўп эди. Чигит қабул қилиш цехида 48 киши меҳнат қилади. Келтирилаётган тонна-тонна чигитлар олтига махсус омборхоналарга жойлаштирилмоқда.

- Омборларимизда 10 минг тонна соя дони бор эди, - дейди цех бошлиғи Мамуржон Муҳаммаджонов, - ўтган кун соя дони тугади. Энди чигитдан ёғ ишлаб чиқарилаёпти. Ҳозиргача қабул қилинган чигитларнинг ҳаммаси биринчи навларда келаяпти. Бизда илгор ишчилар кўпчилиги ташкил этилди. Мамасидиқ ака Абдураҳмонов, Анваржон ака Нишонов, Мамуржон ака Жуманов ва бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишимиз мумкин.

Чигит қабул қилиш цехи билан мой-жувоз цехи оралйғи бироз олис эди. Ҳамроҳим Марҳамат опа Аҳмаджоновадан гап оламан.

- Тошкент Политехника институтини 1969 йилда битириб, шу ерга ишга келдим, - дейди опа, - узоқ йил цех бошлиғи бўлиб ишладим. Оила кўрдим, уч фарзанднинг онасиман. Катта ўғлим Муҳиддинжон Фарғона политехника институтини битириб, ҳозир шу ерда инженер бўлиб ишляптади. Ўғлим Бахтиёржон Тошкент медицина институтида, қизим Мавлудихон эса Қўқон педагогика институтида ўқийаптади. 30 йил шу даргоҳда ишлаб, эл-юрт ўртасида ўзимизга яраша ҳурмат-эътибор қозондик. Бунинг учун мен шу даргоҳдан чексиз миннатдорман.

Мой-жувоз цехининг бошлиғи Юсуфжон ака Султонов иш

жараёнини кузатиб турган экан. Цехдаги 96 киши уч сменада меҳнат қилишади. Бу цехда чигит мағзи пўстидан ажратиб олинади. Чақилган мағиз махсус қозонларда қовурилиб, мойжувозларга автоматик равишда ағдарилади. Уртача 25-30 минутлар чамасида бир тонна пахта ёғи ажрати олинади экан. Исломжон Муҳаммадраҳимов, Нейматжон Нурчаевлар шу цехнинг илгор ишчилари ҳисобланишади.

Экстракция цехидаги иш жараёни янада мураккаброк эди. Кунжара тарқибиде қолган 12-13 фоиз ёғ бензин ёрдамида шимиб олинади. Катта иссиқлик ёрдамида бензин парлан-тирилади. Сўнг ҳосил бўлган мисцелла навбатдаги цехга, яъни мисцеллани қайта оқлаш цехига узатилади.

Шарофатжон опа Жураева қарийб 20 йилдан бери шу цехда меҳнат қилади.

- Иш давомида ҳар хил кишилар билан муомалада бўлар экансиз, - дейди опа. - Йил бошида корхонамизга янги раҳбар тайинланди. Галнинг очиги, бошлиғимиз Рашидхон ака Каримовнинг ишчанлиғи, айни пайтда меҳрибонлиғи бизларнинг меҳнатга бўлган муносабатимизни яхши томонга ўзгартириб юборди. Энг аввало комбинатда ишлаётган аёллар меҳнатига эътибор кўчатирилди. Аёллар йили муносабати билан аёлларга турли имтиёзлар яратиб берилди. Ойлик маошларимизга 10 фоиз қўшимча иш ҳақи берилди. Меҳнат таштилига ҳам уч иш кўни қўшилди.

Бизлардан ташқари байрамларда арзон нарҳда гўшт, комбинатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан белгиланган тартибда бериб турилади. Дам олиш кунларини мароқли ўтказишимиз учун ёрдамчи хўжалигимизда дам олиш масканлари яна қайтадан ишга туширилди.

Хуллас, ҳозир ишларимиз янада олдилаб кетаяпти. Юртимизни, ватанимизни ёмон кўзлардан худонинг ўзи асарасин.

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

ИНСОН умри давомида ўз бошидан турли савдоларни ўтказиши табиий ҳол. Ҳаёт фақат хурсандчиликдан ёки қайғудан ҳам иборат эмас. "Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу", деб бежизга айтишмаган. Шундай экан, 115 йиллик тарихни ўз бошидан ўтказган Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамияти ҳаётида ҳам ўзига яраша турмушнинг баланд-пастлари бўлиб туриши табиий.

Иш бор жойда изланиш, изланиш бор жойда ўз навбатида камчиликнинг бўлиши муқаррар. Кейинги йилларда ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятига турли ташкилот ва идора-лардан келувчи текширувчиларнинг сони кўпайди.

Ўтган йилги режа бўйича 17717 тонналик маҳсулот ишлаб чиқариш керак эди. Бу борадаги кўрсаткич эса, 81,07 фоизга бажарилди, ҳолос. Комбинатда ишлаётган ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 6375 сўмданга тўғри келарди. Ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятининг дебитор ва кредитор қарзлари катта рақамлари кўрсатар эди. Бунинг ҳисобини олган кишининг юрағи орқага тортиб кетар эди. Жами 942 кишилик меҳнат жамоасида ишга муносиб ўта тушун аҳволда эди. Ишчилар ўртасида меҳнат интизоми издан чиққанди.

Ҳўш, корхонани бундай танг аҳволдан ким олиб чиқади? Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятига Рашидхон Каримов бошлиқ этиб тайинланди.

Рашидхон ака ўз атрофига шу даргоҳда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган, ҳалол кишиларни жамлади. Корхонанинг ҳозирги кундаги иқтисодий аҳвали билан барчани таништирди. Жамоа фаоллари меҳнат интизомини йўлга қўйиш ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Эскидан бир гап бор: "Ҳисобни билмаган ҳаменидан айрилади". Корхона бош ҳисобчилиғига Азимжон Турғунбоев тайинланди. Ҳисоб-китоб ишларидаги чалқашликлар тартибга келтирилди. Бугунги кунда Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятида дебитор ва кредитор қарзлар бирмунча камайтирилди.

Муроджон ака Кабиржонов узоқ йиллардан бери шу даргоҳда ишлаб, катта тажриба тўплаган инженер эди. Уни кўпчилик корхонанинг бош инженерлиғига тавсия этишди. Исломжон Исоқов шу корхонада иш бошлаганига яқин йигирма йил бўляпти. Ишлаб-чиқаришнинг барча поғоналарини ўтаган. Уни кўпчилик бир овоздан бошлиқ, ўринбосарлиғига муносиб эканлигини айтишди.

Иш аста-секин яхши томонга қараб ўзгара борди. Бу кўйидаги рақамлар янада равшанроқ кўринади. Ўтган 1998 йилнинг тўққиз ойида 791412 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил тўққиз ой давомида бу рақам 1 миллиард 23564 минг сўми ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати ўтган 1998 йилнинг

тўққиз ойида 1505825 минг сўми ташкил этган бўлса, бу йил тўққиз ойида 1903046 минг сўми ташкил этди. Бу борадаги ўсиш 126,4 фоизни ташкил этади. Еки ўтган йил тўққиз ойида 6156 тонна бу йил тўққиз ой давомида эса 6959 тонна оқланган ёғ ишлаб чиқаришга эришилди. Бу ўтган йилгидан 803 тонна кўп демакдир. Меҳнат унумдорлигининг ошганлиғи, ўз-ўзидан ишчиларнинг ойлик маошлари кўпайишига олиб келди. Бугунги кунда корхона ишчиларининг ўртача ойлик маошлари 10293 сўмданга тўғри келаяпти.

## ҲАМ ОЗИҚ, ҲАМ ШИФО

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят, қолаверса, туманида ёғ-мой комбинатлари ишлаб турибди. Қўқон ёғ-мой комбинатининг бошқа комбинатлардан ўзига хос фарқи томони, бу ерда бир неча йиллардан бери ШАФТОЛИ мағзидан ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандир.

Ҳўш, бу ёғ ўзи нима? Унинг бошқа ёғлардан афзаллиғи борми? Булса, қандай?

- Ушбу ёғ доришунослик ва озиқ-овқат учун ишлатилади, - дейди Лаълихон опа Қосимова, - унинг таркибида инсон саломатлиғи учун зарур ОЛЕИН кислотаси кўпроқ бўлиб, В.1, В.2, РР-Р.5 никотин кислотаси ҳам учрайди. Шунингдек, Е витаминлари ҳам мавжуд.

Шафтоли ёғида ОЛЕИН кислотаси 85 фоизни ташкил этади. Шамоллаган кишилар бемалол шафтоли ёғини баданларига суртишлари ва тезда шифо топишлари мумкин. Бундан ташқари турли аллергия касаллиғи бор бемор кишилар ҳам бу ёғдан фойдалансалар маъсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, ўтдан ёки иссиқ сувдан куйган тананга шафтоли ёғи маълаҳам бўлади.

Шафтоли ёғи таркибида 160 миллиграмм стерол бўлиб, унинг 80-90 фоизини В-ситостероли ташкил этади. Бу препарат атеросклероз касаллигининг олдини олади.

Ҳа, бу йил ана шундай шифобахш шафтоли ёғининг ўзидан 23 тонна ишлаб чиқилди. Бу комбинат ишчиларининг халқ саломатлиғига қўшган гоъят муносиб ҳиссасидир.

## ЯНГИЛИК САРИ

Яқинда ҳиссдорлар янги дезодарация цехини ишга туширдилар. Республикадаги бир қатор ёғ-мой комбинатларида дезодарация цехлари ишга туширилгани кўпчиликка маълум. Цехларнинг ақсарияти чет эл инвестицияси ҳисобига ишга туширилди.

Қўқонда эса ишга туширилган дезодарация цехи ҳиссдорларнинг ўз имкониятлари ҳисобига қурилди.

- Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари га бўлган талаби кундан-кунга ошиб бормоқда, - дейди Рашидхон ака Каримов, - Биз дезодарация цехини ишга тушириб, катта манфаат қураимиз. Биринчидан, корхонамизга келтирилаётган маҳсулотлардан унумли фойдаланамиз. Чиқтиларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иккинчидан, маҳсулот исрофгарчилиғига барҳам берилади.

Қўқон ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятида амалга оширилган ижобий ишлар талайгина. Ҳали амалга оширилмаган ишлар янада бисёр.

Биз нима ҳам дердик, изланганга толе ёр дейдилар. Комбинат ишлари ҳамиша юришгандан-юрйшаверсин!

Мамур МУСУЛМОНОВ, Иброҳимжон МАМАРАХИМОВ фотолари



**СОКОЛ-МҲЙЛОВИНГ БОРМИ, КАТТАСАН!**

Хонтахтага бир лаган палов келтириб қўйилди. Ойиси кичкина тақсимчага ош солиб, ўғилчасининг олдиға қўйди. Илҳомжон аразлаб, тақсимчани нари сурди.

- Ада, манам сизларимнан ейман.

- Йўқ, опоқ болам, сен ҳали катталар билан овқат ейиш ёшига етганинг йўқ. Соқол-мўйловинг чиксин, ушанда бирга ейсан...

Бир кун Илҳомжон тақсимчада овқат еб ўтирган эди, мушуги келиб, унга "шерик" бўлмоқчи бўлди. Илҳомжон уни туртиб юборди-да:

- Бор, сани соқол-мўйловинг чикқан, адамламинан егин! - деди.

**СТАКАНДА... ЧОЙ ИЧМАЙДИ?**

- Дада, ҳалиги ўртоғингиз нукул пиелада чой ичарқан-а? Стаканда чой узатсам ҳам, пиелага ағдариб ичади. Бу нимаси?

- Э, ўртоғингиз дема-е уни! У бир фиску фасодни, таъмагир одам. Суқилмаган жойи йўқ. Ҳамма ерга тумшугини тикавериб, бурни шунака чўзилиб кетган. Бурни кўргур камоли бесўнақайли-гидан, лабидан илгари ста-канинг ичига кириб кетаве-риб, неча маротаба куйган, чойни ҳам мақруҳ қилган. Бурнининг кизиллиғи шундан. Кейин зада бўлқолиб, стаканда чой ичмайдиған бўлди.

**ҚАНДИНГИ УР!**

Бир тулки хўроз ўғирлаб кетаётган эди, йўл устида бўри чиқиб қолди.

- Ҳа, муттахам, хўрозни қаердан ўғирладинг? - сўради бўри.

- Ўғирлаганим йўқ, хўжайин. Сизга соғва қилиб олиб кетяпман.

- Қандинги ур, азамат, иш бундай бўпти-да, - деди бўри.

**ЎЖАРЛИК**

- Менинг китобини ёмон дейишга қандай журбат этдингиз, ахир сиз битта ҳам китоб ёзмагансиз-ку?! - деди бир муаллиф Афандига.

- Мен умримда тухум тукдан эмасман. Аммо қовурилган тухум мазасини товуннинг ўзидан қўра яхшироқ биламан, - жавоб берди Афанди.

**АФАНДИ НАСИҲАТИ**

Афанди кизини узатди. Келинчакни олиб кетаётганларида одамлар Афандига:

- Қизингизга фотиҳа беринг, эҳти-моҳ, айтадиган на-сиҳатингиз бордир, - деб маслаҳат берди-лар.

Афанди кизининг ёнига келиб, қуло-ғига шивирлади:

- Борган ерининг да чок-пок тикади-ган бўлсанг, илнинг учини тугиб қўйи-шини унутма, агар шундай қилмасанг, ип чоқда сира тур-май, меҳнатинг зое кетади.

**ЧИРОҚ ЁҒИГА ЯРАЙДИ**

Бир эчки одам қасал бўлиб қолди. Табиб унинг азойи бадағига ёғ суртиб кетди. Бир-пасдан кейин эчкина-гарақ-гарақ терлай бош-лади. Суртилган ёғ эриб-оқа бошлади. Эчкина-ган жойида бақирди, хизматкорини чақирди.

- Югур, бирорта идиш олиб кел! Ёғ ис-дириб идишга сол! Бир-неча кунга чироқ ёғига ярайди.

**МАХ-МАХ, ЖОНИВОР!**

Афанди ариқ бўйида ўтириб қўй қалласини ювар эди, қалла сувга тушдию оқиб кетди. У дарров бир тутам утқи юлди-да:

- Мах-мах, жонивор, деб қичқирди.

**Зухра ҲАМДАМОВА тайёрлади**

**ЭЪЛОНЛАР**

С. Раҳимов тумани хо-кимияти томонидан Ир-ғашев Абдулла Нигматов-вич номига берилган 510010-сонли тадбир-корлик гувоҳномаси йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миро-бод туманидаги "ООО"Г-лобалтрансмаш" маъсу-ляти чекланган жамия-ти тугатилди. Давълар эълон қилқан кундан бошлаб бир ой ичда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миро-бод туманидаги "Sharof va Sitara" хусусий фир-масининг 0016575 рақамли чек дафтари йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади.